


Дажжол ер юзида қирқ кун туради...

Image not found or type unknown



11:55 / 15.01.2025 4252

هَيَلَعُ هَلَلِ الْيَلَصِ هَلَلِ الْوُسَرِ رَكَذَ لِقِ هُنَّ هَلَلِ الْيَضَرِ نَاعِمَسِ نَبَسِ الْوَلِ نَع
أَمَلَفِ لِحْنِ الْفَيْطِ هَانَنَ طِيَّحَ عَفَرَوِ هِي فَصَّحَفِ ءَادَغَ تَادَلِ الْجِدَلِ مَلَسَوِ
لِجِدَلِ تَرَكَذِ هَلَلِ الْوُسَرِ أَي: أَنْ لُقِ؟ مَكُنْ نَأْسِ أَم: لِقِ أَفِ، أَنْ يَفِ كَلَدَفَرَ عَ هَيَلِ الْإِنْخُرِ
لِجِدَلِ الْيَغِ» لِقِ هَلَلِ الْفَيْطِ هَانَنَ طِيَّحَ تَعَفَرَوِ هِي فَصَّحَفِ ءَادَغِ
مُكَي فَتَسَلِ وَجُحِي نِإِوِ، مَكُنْ وَدُهُ جِي حِ أَنْ أَفِ مُكَي فَ أَنْ أَوْجُحِي نِإِ مُكَي لَعِ يَنْفَوْحِ
هُنَّ عَطِطِقِ بَأَشِ هُنَّ إِي مَلَسِ مَلِكِ يَلَعِ يَتَفِي لِحْ هَلَلِ أَوْ هَسْفِ نَجِي حِ وَرْمِ أِ
هَيَلَعِ أَرْقِي لَفِ مَكُنْ مَهْ كَرْدَأِ نَمَفِ، نَطِقِ نَبِ يَزْعَلِ دَبَعِبُ هُوَّ بَشِ أِي نَأَكِ ءَفِطِ
، أَلِ أَمِشِ تَاعِ وَأَنْ يَمِي تَاعِ قِ أَرْغِ أَوْ مَأْشَلِ نَبِيَّ بَعْلِ جِرَاحِ هُنَّ إِي فَهَلِ الْوُسَرِ حِ تَأَوْفِ
نِوَعِبْرَأِ» لِقِ؟ ضَرَأِ يَفِ هُتَبَلِ أَمِوِ هَلَلِ الْوُسَرِ أَي: أَنْ لُقِ، «أُوْتَبْتِ أَفِ هَلَلِ دَابِعِ أَي
أَي: أَنْ لُقِ. «مَكْمِ أَيْ أَيْ رِئِئِ أَسِوِ ءَعْمُحِ كِ مَوِي وَرَشِ كِ مَوِي وَءِنَسِ كِ مَوِي، أَمَوِي
أُورْدِقِ، أَلِ» لِقِ؟ مَوِي ءَالِصِ هِي أَنْ يَفِ كَتَأِ ءِنَسِ كِ يَدَلِ أَمَوِي لِكَلَدَفِ هَلَلِ الْوُسَرِ
هُتَرَبَدَتِ سِ لَتِي عِلَاكِ» لِقِ؟ ضَرَأِ يَفِ هُءَارِسِ أَمِوِ هَلَلِ الْوُسَرِ أَي: أَنْ لُقِ، «هُرْدَقِ هَلِ
ءَامَسَلِ رُمَأِي فَ هَلِ نِوُبِ يَجِ تَسِي وَهَبِ نُونِ مَوِي فَ مَوِعْدِي فَ مَوِقِلِ يَلَعِ يَتَأِي فَ حِي رِلِ

هَعَبَسْ أَوْ أَرُذْتَ تَنَّاكَ أَمَّا لَوْ طَأْمُهُ تَحْرَاسٌ مَهِيْلَعٌ حُورَتَفُ تَبْنُتَفُ ضُرَّالِ أَوْ رَطْمُتَفُ
 مُهْنَعُ فِرْصَنَيْفُ هَلْ وُقْدُ هَيْلَعُ نُوْدْرِيْفُ مَهْوَعْدِيْفُ مَوْوَقْلَا يَتَأَيُّ مَثْرَصَاوْخُ هَدَمْ أَوْ أَعْوُرُضُ
 :أَهْلُ لُوقِيْفُ ، هَبْ رَحْلَابُ رُمِّيْ وَ مَهْلَاوْمَأُ نَمُ عَيْشُ مَهْيَدِيَابُ سَيَلْ نِيْلِحْ مُمَنْ نُوحْبُصِيْفُ
 أَبَابَشُ أَيْلَتْمُ أَلْحَرُ وُعْدِيْ مُثْلِحْ نِلَابِيْ سَاعِيْكَ أَهْزُونُكَ هَعَبْتَتَفُ كَزُونُكَ يَجْرَحُ أ
 لَّهَتَيْ وَ لُبْقِيْفُ هُوْعْدِيْ مُثْرَعَالِ هَيْمَرَنْ يَتَلَزَجُ هَعَطْقِيْفُ فِيْ سِلَابُ هُبْرَضِيْفُ
 دَنْعُ لَزْنِيْفُ يَمِيْرَمَنْ نَبَا حِيْسَمْلَأُ هَلَلَا تَعَبُ ذِيْلِكْ لَدَكَ وَهُ أَمَنْ يَبْفُ كَحْضِيْ هُوْعَجُ
 نِيْكَ لَمَهْ حَنْجَأُ يَلَعُ هَيْفَكَ أَعْضَاوْ نِيْتَدُوْرَهَمْ نِيْبُ قَشْمَدِيْ قُرَشْ أَعْضِيْبَلَا هَرَانْمَلَا
 حِيْرِيْجِيْ رِفَالِكْ لِحْيَالْفُ وُلْ وُلْ لِكْ نَأْمُجُ هَنْمَرَدْحَتْ هَعْفَرَاذِيْ وَ رَطْقُ هَسْرَأَطْطَا أذِيْ
 بَابُ هَكَرْدِيْ يَتَحْ هُبْلَطِيْفُ هُوْفَرَطُ يَهْتَنِيْ تَشِيْحُ يَهْتَنِيْ هُسْفَنَ وَ تَأْمَالِيْ هِسْفَنَ
 نَعْحَسْمِيْفُ هَنْمَهْلَأُ مَهْمَصَعُ دَقْ مَوْقُ مَمِيْرَمَنْ نَبَا يَسِيْعُ يَتَأَيُّ مَثْ هَلْتَقِيْفُ فِيْ ذَلْ
 يَسِيْعُ يَلِيْ هَلَلَا حِيْوَ أَيْ ذِيْلِكْ لَدَكَ وَهُ أَمَنْ يَبْفُ هَنْجَلَا يِفْ مَهْوَتَا جَرِيْبُ مَهْتَدْحِيْ وَ مَهْوَجُ
 تُعَبَبِيْ وَ رُوْطَلَا يَلِيْ دَابِعُ زَرَحُفُ مَهْلَاتِقُبِ دَحَالِدِ نَادِيْ أَلِيْلِ أَدَابِعُ تَجْرَحُ أَدَقِيْ نِيْ
 هَيْرَبَطِ هَرْيَحُ بِيْلَعُ مَهْلَأُ أَوْ رُمِّيْ فَنُوْلَسْنِيْ بَدْحُ لِكْ نَمُ مَهْوَجُ وَ جَوْجُ أَمَوْ جَوْجُ أَيْ هَلَلَا
 هَلَلَا يَبَنْ رَصْحِيْ وَ ءَامُ هَرَمْ هَدَوْبُ نَأْكَ دَقْلُ نُوْلُوقِيْفُ مَهْرَحُ أَرْمِيْ وَ أِهِيْ فَأْمَنْ نُوبَرَشِيْفُ
 مَوْوِيْلَا مَكْ دَحَالِدِ رَانِيْدِ ءَائَامُ نَمُ أَرْيَحُ مَهْدَحَالِدِ رُوْتَلَا سْرَأَرْ نُوكِيْ يَتَحْ هُبَا حْصَاوْ يَسِيْعُ
 مَهْوَبَا قِرِيْفُ فَعْنَلَا مَهِيْلَعُ هَلَلَا لِسْرِيْفُ هُبَا حْصَاوْ يَسِيْعُ هَلَلَا يَبَنْ بَعْرِيْفُ
 يَلِيْ هُبَا حْصَاوْ يَسِيْعُ هَلَلَا يَبَنْ طَبَهِيْ مُثْ هَدِيْحُ أَوْ سَفَنْ تَوْمَكَ يَسْرَفُ نُوحْبُصِيْفُ
 يَبَنْ بَعْرِيْفُ مَهْنَتَنْ وَ مَهْمَهْرُ هَأَلَمْ أَلِيْ رِبَشْ عَضْوَمْ ضُرَّالَا يِفْ نُودِيْجِيْ أَلْفُ ضُرَّالَا
 مَهْلَمْ حَتَفُ تَخْبَلَا قَانْعَاكْ أَرْيَطُ هَلَلَا لِسْرِيْفُ هَلَلَا يَلِيْ هُبَا حْصَاوْ يَسِيْعُ هَلَلَا
 رَبْ وَ أَلْوَرْدَمْ تَبِيْبُ هَنْمَنْ نَكِيْ أَلْ أَرْطَمْ هَلَلَا لِسْرِيْفُ مُثْ هَلَلَا ءَأَشْ تَشِيْحُ مَهْحَرْطَتَفُ
 يَدْرُوْ كَتَرَمْ ثِيْبَنْ أَوْ ضُرَّالَا لَأَقِيْ مُثْ هَقْلُ زَلَاكْ أَهْ كُرْتِيْ يَتَحْ ضُرَّالَا لِسْرِيْفُ
 يِفْ كُرَابِيْ وَ أَهْفُ حَقْبُ نُوْلَطْتَسِيْ وَ هَنْمُرْلَا نَمُ هَبْ أَصْعَلَا لِكْ أَيْ ذِيْ مَوْوِيْفُ كَتَكْرَبُ
 رَقْبَلَا نَمُ هَعْحُ قَلْ أَوْ سَأَنْ لَانَمُ مَائِفَلَا يِفْ كَتَلْ لِبَلَا نَمُ هَعْحُ قَلْ لَانَا يَتَحْ لِسْرَلَا
 سَأَنْ لَانَمُ ذَخْفَلَا يِفْ كَتَلْ مَنَعْلَا نَمُ هَعْحُ قَلْ لَانَمُ سَأَنْ لَانَمُ هَلِيْبَقَلْ يِفْ كَتَلْ
 حُورُضْبُقَتَفُ مَهْوَبَابُ آتَحَتْ مَهْدُحَاتَفُ هَبِيْطُ أَحِيْرُهُ هَلَلَا تَعَبُ ذِيْلِكْ لَدَكَ مَهْ أَمَنْ يَبْفُ
 مَهِيْلَعُفُ رُمْحَلَا جُرَاهَتُ أِهِيْفُ نَوْجُرَاهَتِيْ سَأَنْ لَانَمُ رَارَشُ يَتَقَبِيْ وَ مَلْسُ مَلْ كُ وَ نَمُ مَلْ كُ
 :دُوَادُ وَ بَأُوْ يَذْمُرْتَلَا أَوْ مَلْسُ مَهْ أَوْرُ . «هَعْسَلَا مَوْقَتُ

Наввос ибн Самъон розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Бир куни эрталаб Расулуллоҳ алайҳиссалом Дажжол ҳақида сўзладилар. У зот у ҳақда гоҳ секин, гоҳ қаттиқ гапирганларидан биз у яқин орадаги хурмозорларнинг бирида бўлса керак, деб ўйлаб қолдик. Кечки пайт у зотнинг ҳузурларига борганимизда бизни ўша аҳволда кўриб, «**Сизларга нима бўлди?**» дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, эрталаб Дажжол ҳақида гапирдингиз, у ҳақда гоҳ секин, гоҳ қаттиқ гапирганингиз учун яқин орадаги хурмозорларнинг бирида бўлса керак, деб ўйлаб қолдик», дедик. У зот шундай дедилар: «**Мен сизлар хусусингизда Дажжолдан эмас, бошқа нарсдан қўрқяпман. Агар у чиқсаю, мен орангизда бўлсам, сизларсиз унга ўзим кифоя қиламан. Лекин у чиққанда мен**

орангизда бўлмасам, ҳар ким ўзини-ўзи ҳимоя қилади. Ҳар бир мусулмонни Аллоҳга топширдим. Дажжол ёш, жингалаксоч, бир кўзи бўртиб чиққан бўлади. Мен уни худди Абдул Уззо ибн Қатанга ўхшатаман. Сизлардан ким унга дуч келса, унга қарши Каҳф сурасининг бошини ўқисин. У Шом билан Ироқ орасидан чиқади, ўнгу чапини фасод билан тўлдиради. Эй Аллоҳнинг бандалари! Собит бўлинглар!» дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, у ер юзида қанча муддат бўлади?» дедик. «Қирқ кун туради. Бир куни бир йилдек, бир куни бир ойдек, бир куни эса ҳафта каби бўлади. Қолган кунлар эса ҳозирги кунларингиз каби бўлади», дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, ўша бир йилдек кунда бир кунлик намоз ўқисак кифоя қиладими?» дедик. «Йўқ! Ўша (бир йилга тенг) куннинг ҳисобини оласизлар», дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, унинг ер юзидаги тезлиги қандоқ?» дедик. «Худди шамол учириб юрган булутдек юради. У бир қавмнинг олдига келиб, даъват қилади, улар унга иймон келтириб, ижобат қилишади. У осмонга амр қилса, ёмғир ёғади. Ерга амр қилса, набототлар униб чиқади. Ўтлаб юрган ҳайвонлар кечқурун ўркачи энг узун, елинлари энг тўлган, қоринлари энг шишган ҳолда келади. Сўнгра у бошқа қавмга келиб, уларни даъват қилади, улар унга ўзининг гапини қайтаришади. У уларнинг олдидан қайтиб кетади. Сўнг улар қаҳатчиликка учраб, қўлларида молларидан ҳеч нарса қолмайди. У бир хароба ёнидан ўтаётиб, унга «Хазиналарингни чиқар!» дейди. Унинг хазиналари асаларилар маликасига эргашгандек унга эргашади. Кейин бир ёш, навқирон йигитни чақириб, қилич билан уриб, уни иккига бўлиб ташлайди, бўлакларининг ораси икки ўқ етадиганчалик бўлади. Сўнг уни чақирса, юзларида кулги барқ урган ҳолда юриб келади. Ана шундай ҳолатда Аллоҳ Ийсо алайҳиссаломни юборади. У зот Димашқнинг шарқий тарафидаги оқ минорадан, икки бўялган кийимда, икки қўлини икки фариштанинг қанотига қўйган ҳолда тушиб келади. Бошини эгса, қатралар томиб туради. Бошини кўтарса, луълуъ каби доналар тўкилиб туради. У зотнинг нафасини сезган кофир борки, шу заҳоти ўлади, унинг нафаси эса кўзи етган ерга бориб етади. У зот уни (Дажжолни) излаб, Бобу Лудда топиб ўлдиради. Кейин Ийсо ибн Марямнинг ҳузурига Аллоҳ ундан (Дажжолдан) сақлаган қавм келади. У зот уларнинг юзини силаб, уларнинг жаннатдаги даражалари ҳақида сўзлайди. Шундай ҳолатда Аллоҳ Ийсо алайҳиссаломга ваҳий қилиб, «Мен уларга қарши уруш қилишга ҳеч кимнинг кучи етмайдиган бандаларимни

чиқардим. Бандаларимни Турга қўрғон қилиб, ўша ерга қўй», дейди. Кейин Аллоҳ яъжуж-маъжужни юборади. Улар ҳар томондан оқиб кела бошлайди. Уларнинг аввали Тобария кўли олдидан ўтаётиб, ундаги ҳамма сувни ичиб қўяди. Охиргилари ўтаётиб, «Бу ерда бир вақтлар сув бор эди», дейди. Аллоҳнинг Набийси Ийсо ва унинг асҳоблари қамал қилинадилар, ҳаттоки уларга ҳўкизнинг боши сизларга бугунги кундаги юз динордан ҳам яхши бўлиб қолади, Аллоҳнинг Набийси Ийсо ва унинг асҳоблари (ўлимга) рағбат қилиб қоладилар. Шунда Аллоҳ уларга (яъжуж-маъжужга) бўйин томондан «нағаф» қуртини юборади. Ҳаммалари бир жон ўлгандек, ўликка айланади. Сўнгра Аллоҳнинг Набийси Ийсо ва унинг асҳоблари ерга тушадилар. Ер юзида яъжуж-маъжужларнинг ёғи ва сассиғи етмаган бир қарич ҳам жой қолмаган бўлади. Аллоҳнинг Набийси Ийсо ва унинг асҳоблари Аллоҳга рағбат қилиб қоладилар. Шунда Аллоҳ туянинг бўйнига ўхшаган қушларни юборади. Улар анавиларни кўтариб олиб бориб, Аллоҳ истаган жойга ташлаб келадилар. Сўнгра Аллоҳ бир ёмғир юборади, бу ёмғирдан лой ёки жундан қилинган бирорта уй панада қолмайди. Бу ёмғир ерни ювиб, ойнадек қилиб қўяди. Кейин ерга «Экинларингни ўстир, баракангни қайтар», дейилади. Ўша кунда одамлар бир дона анорни еб, пўстлоғини соябон қиладилар. Чорвага шунчалик барака киритиладики, бир туянинг сути катта бир жамоага етади, битта сигирнинг сути бир қабилага етади, бир қўйнинг сути бир уруғ одамларга етади. Шундоқ ҳолатда Аллоҳ бир ёқимли шамолни юборади, у уларнинг қўлтиқларидан ўтиб, барча мўмин-мусулмонларнинг руҳини қабз қилади, ер юзида одамларнинг фақат ёмонлари қолади. Улар эшакка ўхшаб яқинлик қилишади. Ана ўшаларнинг бошида Қиёмат қойим бўлади».

Муслим, Термизий ва Абу Довуд ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу ҳадисда ҳам Қиёматнинг кўплаб аломатлари баён қилинмоқда.

«**У ҳақда гоҳ секин, гоҳ қаттиқ гапирдилар**», яъни Пайғамбар алайҳиссалом Дажжолни таги паст, ҳеч нарсага арзимаслигини ҳам айтдилар, шу билан бирга, унинг фитнаси энг катта фитна эканлигини ҳам таъкидладилар.

«**Сизлардан ким унга дуч келса, унга қарши Каҳф сурасининг бошини ўқисин**». Бу ҳақда бошқа ривоятлар ҳам кўп.

Абу Дардо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким Каҳф сурасининг бошидан ўн оятини ёдласа, Дажжолдан сақланади»**, деганлар».

Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилганлар. Термизийнинг лафзида «Ким Каҳф сурасининг бошидан уч оятни ўқиса, Дажжол фитнасидан сақланади», дейилган.

Бошқа бир ривоятда **«Ким Каҳф сурасининг охиридан ўн оятини ёдласа, Дажжолдан сақланади»**, дейилган.

«Эй Аллоҳнинг Расули, ўша бир йилдек кунда бир кунлик намоз ўқисак кифоя қиладими?» дедик. **«Йўқ! Ўша (бир йилга тенг) куннинг ҳисобини оласизлар»**, дедилар.

Демак, кун одатдагидан узоқ бўлиб кетгани учун йигирма тўрт соатлик вақтни чамалаб, шунча вақт ичида ўқилиши лозим бўлган намозлар ўқилади.

«Бошини эгса, қатралар томиб туради. Бошини кўтарса, луълуь каби доналар тўкилиб туради», яъни Ийсо алайҳиссалом покиза ҳолда тушадилар, у кишидан ғусл ва таҳоратнинг сувлари томчилаб турган бўлади.

«У зот уни излаб, Бобу Лудда топиб, ўлдиради», яъни Ийсо алайҳиссалом Дажжолни излаб топиб, Байтул-Мақдисдаги Лудд деган жойнинг эшиги олдида ўлдирадилар.

«Шундай ҳолатда Аллоҳ Ийсо алайҳиссаломга ваҳий қилиб, «Мен уларга қарши уруш қилишга ҳеч кимнинг кучи етмайдиган бандаларимни чиқардим. Бандаларимни Турга қўрғон қилиб, ўша ерга қўй», дейди».

Ҳеч ким қарши тура олмайдиган бандалар – яъжуж-маъжужлардир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Қиёматнинг энг катта аломати Дажжолнинг чиқиши бўлар экан. Дажжол (кўзбўямачи, ёлғончи) – ўша одамнинг лақабидир, ниҳоятда кўп алдамчилик қилгани учун шу лақабни олган. Шунингдек, у ҳақни ботил билан кўмиб ташлаш қобилиятига ҳам эга. У асли яҳудийдир. Мадинаи Мунавварага нисбатан машриқ тарафдан чиқади. У одамлар орасида солиҳман, тақводорман деб даъво қилади, кейинроқ эса худолик даъвосини қилади. Унга жуда кўп одамлар, хусусан,

яхудийлар эргашади. Дажжолнинг тана тузилишида ўзига хос аломатлар бўлади, бир кўзи теп-текис бўлади, фарзанди бўлмайди, Макка ва Мадинага кира олмайди, пешонасига «кофир» деб ёзилган бўлади.

«Фитналар ва Қиёмат аломатлари» китобидан